ИСМОИЛБЕК ХАЗРАТЛАРИ

Мархум ходимул миллат Исмоилбек хазратлари 1268 хижрий, мутобик 1851 милодия санасинда Киримнинг Гаспра кариясинда дунёга келиб, Маскав эъдодий аскарий мактабинда ўкуган. Андан сўнгра Истанбул ва Парижга амалий ва назарий икмоли тахсил этиб, Русияга кайтиб, «Русияда мусулмонлар» ном русча бир китоб ёзиб, Русия мусулмонларининг илмий, ижтимоий ва сиёсий хюлларидан бахс ва Русия мусулмонларини химоя этган.

Хижрий 1297, милодий 1880 санасинда Киримнинг мусулмон мадрасасинда русча муаллим тайинлангандурлар. 1883 милодия 10 апрелдан бошлаб мўътабар «Таржумон» гарро жаридасини миллати ислом ва турклик хизмати учун чикарган, Ва мусулмонларни нодон кисми тарафидан изо ва жафолар чеккан. Кашшоклиги сабабли ўзи ва хотини ила «Таржумон» ни ёзмок, тартиб этмок, харф термок ва почтага топширмок тўгрисиндаги огир ишларни ишлаган ва хатто, баъзан босмахонанинг мошина чархини ўзлари куч ва кўл ила айлантурган. Ва хар нав мехнат ва кулфатларни ўзига раво кўруб миллатни уйготмокга, дунёдан, сиёсати оламдан, маданий миллатларни холидан хабардор бўлмоклари учун жисман ва рухан хеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар.

Мусулмонларни дунёдан хабардор килмок учун бутун Русияда, Туркия, Миср, Тунис, Жазоирда, Хинд ва Африкода, Туркистон ва Бухорода дафъалар ила саёхат этиб, хар ерда мусулмонларни маданияти замонияга, улум ва фунуни асрияга, саноат ва тижорати каринага ва рус маданиятига даъват ва ташвик этгандурлар. Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек хазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мураттиб ва ношири яна Исмоилбек хазратларидур. Тараккиёти замонияга ялгуз даъват эмас, фаълан харакатда бўлуб, жамияти хайрия, кироатхона, тараккиюни ислом, таовун жамиятлари ва буларга ўхшаш асосларга тааллук низомномалар тузатиб, халк аросинда нашр этиб, бу кун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмий ва маданий жамиятларни барпо этдургандурлар.

Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собик нашр бўлган ва хозир фаълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча мухаррир ва мудирлари ул зоти студа сифотни шогирдидурлар. Шундайки, бу кунда Русия мусулмонла-ри ичинда хар бир жаридахон ва хар бир муаллим ва хар усули савтия мактабларининг шогирди ва хар бир жарида мухаррири мархумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муаззамнинг букун Русия мусулмонлари аросинда

милйўнлар ила уламодан мухарририн ва муаллиминдан ва ўкувчилардан шогирди бордур. Хам кандай шогирд! Ўттуз санадан бери доимо онга дарс ўкийдургон шогирдлардур. Яна бу шогирдлар ўз охир умрларинча устоднинг анфоси кудсияси сабаби ила илалабад жорий афкори олиясидан дарс ва файз олмокда бўлурлар.

Хулоса, Исмоилбек хазратлари сулс асрдан зиёда айём тадрисинда милйўнлар ила мусулмонларга доимо дарс берди. Энди илалабад анинг афкори ва рухи ададсиз ва нихоясиз мусулмонларга дарси урфон берар... Хулоса, Русия мусулмонлари ичинда мундай бир зот келган йўкдур. Ана ушбу зоти ноёб ушбу сана бешинчи зулкаъда — 12 сентябрда бу олами фонийдан рихлат этиб, бутун дунё мусулмон уърафоларини асири ёс ва алам этди. Рахматуллохи алайхи рахматан ва асъатан.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 50-сон, 1186—1188-бетлар.